



10/9 -23-сон

2023 йил 29 декабрь

## **Солиқ қўмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2023 йил IV чоракдаги фаолияти тўғрисида қисқача ахборот**

2023 йилнинг тўртинчи чорагида Жамоатчилик кенгаши ўз эътиборини Солиқ органларида коррупцияни олдини олиш концепциясини ишлаб чиқишига қаратди.

Ушбу фаолият чоғида Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

- Солиқ қўмитасининг коррупцияга қарши фаолияти натижаларини очик маълумотлар асосида таҳлил қилдилар;
- солиқ органларида коррупцияга қарши курашишнинг халқаро тажрибасини ўрганишди;
- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини ва уларнинг Солиқ қўмитасининг эълон қилинган идоравий ҳужжатларига имплементацияси даражасини таҳлил қилдилар;
- халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон солиқ органларида коррупцияни олдини олиш бўйича тавсиялари билан танишдилар;
- уч ойлик фаолият мобайнида Солиқ органларида коррупцияни олдини олиш концепциясининг якуний матнини тайёрладилар.

Кенгаш раиси

М. Перпер